

## Фахрланманг!!!

14:41 / 27.03.2017 2348

Агар отинг (яъни, уловинг) билан фахрланаётган бўлсанг, билгинки, гўзаллик ва чирой сенда эмас, балки отингдадир. Агар кийиминг билан фахрланаётган бўлсанг, у чирой ҳам сенда эмас, балки кийимдадир. Агар ота-боболаринг билан фахрланаётган бўлсанг, бу фазилатлар ҳам сенда эмас, балки ота-боболарингдадир. Агар мазкур нарсалар тилга кирсалар сенга қараб: “Бу гўзалликлар сеники эмас, бизники-ку!”, деган бўлишарди. Демак, агар сен фахрланадиган бўлсанг, ўзингда бор бўлган, сендан ажралмайдиган нарсанг билан фахрлангин. Мол-дунёдан бирор нарса сени кибрлантурса, сен ўзинг фоний бўлиб, у нарса қолиб кетишини ёки икковинг ҳам фоний бўлиб кетишингни эсла! Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлсанг, бирор нарсанг сени мафтун қилганда, унинг қўлингдан кетиши осон эканини, яна қайта келиши қийинлигини, зиммангда эса унга узоқ сўроқ-савол қилинишингни мулоҳаза қил.

**(ҳукамолардан)**

Одатда инсон ўзининг ўзгалардан бирор жиҳатдан ортиқлигини сезса, кибрга кета бошлайди. Лекин кибрга кетмоғи учун аслида ана шу ортиқлик унда боқий турадиган, ҳеч қачон ундан ажрамайдиган ортиқлик бўлиши керак эди. Аллоҳ таоло Ўзининг ҳикматига кўра инсонлар кибрга кетмаслиги учун уларни асли эътиборидан бир хил қилиб яратди. Инсонлар фахрланаётган нарсалар бир кун келиб уларнинг қўлидан кетиши мумкинлигини билдириш учун у нарсаларни инсонга аслий ва зотий қилиб бермади. Инсоннинг ўзга махлуқотлардан фахрланиши мумкин бўлган нарсаси инсонлигидир. Чунки бу нарса асли зотида бўлиб, ундан ҳеч қачон ажралмайди.

Моли ёки қуввати билан кибрланаётганлар бир кун келиб бу неъматлар қўлидан кетиб, кучсиз ва ҳожатманд бўлиб қолсалар, ҳоллари қандай бўлар экан???

Аслини олганда, Аллоҳ таоло ҳамма инсонни тенг қилиб яратган. Бировни бошқадан имтиёзли қилмаган. Шайх Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий шундай деганлар: “Ҳар бир инсонга берилган умумий нарсалар бошқа инсонга берилган умумий нарсаларда баробардир. Мана шу Аллоҳнинг

адолатидир. Демак, бирор нарсада ўзга инсондан ортиқ бўлсангиз, бошқа нарсада унга нисбатан нуқсонингизни текширинг.”

**Қудратуллоҳ Сидиқметов**